

**НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ
ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.GM/Т.41.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И.А. КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

УМЕДОВ ШЕРАЛИ ХАЛЛОҚОВИЧ

**НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРҒИЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ
АСОРАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН САМАРАЛИ ЮВУВЧИ
СУЮҚЛИКЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.11 – Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)

Умедов Шерали Халлоқович

Нефть ва газ кудуқларини бурғилаш жараёнидаги асоратларни бартараф этиш учун самарали ювувчи суюқликларни ишлаб чиқиш.....3

Умедов Шерали Халлоқович

Разработка эффективных составов промывочных жидкостей для борьбы с осложнениями при бурении нефтяных и газовых скважин.....25

Umedov Sherali Hallokovich

The development of effective flushing liquids to eliminate complications during the drilling of oil and gas wells.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ
ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.GM/Т.41.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И.А. КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

УМЕДОВ ШЕРАЛИ ХАЛЛОҚОВИЧ

**НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРҒИЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ
АСОРАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН САМАРАЛИ ЮВУВЧИ
СУЮҚЛИКЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.11 – Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/T78 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация И.А.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.igirnigm.ing.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рахимов Акбархўжа Камилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кулиев Юсиф Мурад огли
техника фанлари доктори, профессор

Закиров Азамжон Алимджанович
техника фанлари доктори

Надилов Казим Садыкович
Кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: «Ўзбурнефтегаз»

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефт-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва и.м. Губкин номидаги россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.GM/T.41.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (0371) 253-09-78; факс: (0371) 250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz. “Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” («ИГиРНиГМ»).

Диссертация билан “ИГИРНИГМ” АЖ Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114.Тел/факс: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ю.И. Иргашев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г-м.ф.н.

А.К. Рахимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда нефть ва газ қазиб олиш бўйича бурғилашнинг техникавий–иктисодий кўрсаткичларини оширишнинг муҳим шароитлари, жумладан ювувчи суюқликларини мукамаллаштиришнинг муҳим шароитлари қабул қилинган. Замонавий шароитда ювувчи суюқлиги сифатини бошқариш ҳолати, бурғилашнинг гидравлик дастури ҳамда кон-геологик шароитлар инобатга олиниб, бу эритмаларининг талаб даражасидаги структуравий – реологик ва фильтрацион хоссалари, маълум даражадаги ингибиторлаш, ис - сиклик ва тузга чидамлилиги ва осматик фаоллигига мос келиши таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

Дунёда нефть ва газ қудуқларини бурғилаш жараёнида янги самарали ювувчи суюқликларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, нефть ва газ қазиб олишда ювувчи суюқликларнинг кенг қўлланилиши уларни сифати ва самарадорлигига бўлган талабни юқори бўлишини таъминлайди. Бу ўринда ювувчи суюқликларнинг таркиби эритмадан сув ажралишини пасайтириши, бурғилаш жараёнида тоғ жинсларига нисбатан нейтраллиги, суюқликлар таъсирига чидамлилиги, таркибидаги элементларнинг сеткали структураси, гилли фаза билан ўзаро таъсирида армирланган фракция ҳосил қилиши, нефть ва газ қудуқларини бурғилашда хавфсизликни таъминлаши, ҳароратга турғунлиги ва олтингугуртли агрессияга чидамлилиги билан тавсифланиши лозим. Шунга кўра, бурғилашнинг геологик-техникавий шароитларига мос равишда махсуслаштирилган ювувчи суюқликларни танлаш, қудуқларни қуриш жараёнининг сифатини назорат қилиш, ҳамда нефть ва газ қудуқларини бурғилашда авария ва асоратларни бартараф этиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикаимиз мустақилликга эришгандан сўнг нефть ва газ саноатини ривожлантириш ва бунда янги техника ва технологияларни қўллашга катта эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чоратadbирлар асосида, муайян натижаларга, жумладан, нефть ва газ конларини ўзлаштириш, маҳсулдорлик ҳажмини ошириш ва замонавий технологияларини қўллаш туфайли янги нефть ва газ конларини очишга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш» вазифалари асосида, жумладан, нефть ва газ қудуқларини бурғилашдаги асоратларни бартараф қилиш, маҳаллий хом ашёлар асосида самарали бўлган ювувчи суюқликлар ишлаб чиқиш, мураккаб геологик-технологик шароитларда нефть ва газ қудуқларини асоратсиз бурғилашни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

таъминлайдиган технологияларни яратиш борасидаги илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 июн 2017 йил № ПҚ-3107 “Нефть ва газ саноатини бошқариш тизимини мукамаллаштириш туғрисида”, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлар туғрисида»ги қарори, 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури туғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер туғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Нефть ва газ қудуқларини бурғилашдаги асоратларни бартарафлашда ювувчи суюқликларнинг самарали таркибини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланиш жаҳоннинг етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасалари, жумладан, Colorado State Mining University (АҚШ), Technische Universität Bergakademie Freiberg (Германия), China University of Geosciences Wuhan (Хитой), И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети (Россия Федерацияси); Жанубий Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон); Тошкент кимё-технология институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё бўйича самарали ювувчи суюқликларни ишлаб чиқиш ва уларни мукамаллаштириш соҳасига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қўйидаги илмий натижалар: ювувчи суюқликларни турғунлаштириш учун гилсиз ва кўпикли бурғилаш суюқликлар учун полимер реагентлари яратилган (Colorado State Mining University (АҚШ)), ювувчи суюқликларни тайёрлаш ва уларнинг таркибини мукамаллаштириш бўйича комплекс ёндошиш ишлаб чиқилган (Institute of materials, minerals and mining (Буюк Британия)), нефть ва газ қудуқларини бурғилашдаги асоратларни бартарафлаш учун ювувчи суюқликлар ишлаб чиқилган (И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [http://free.yourtemplatefinder.com](http://free.yourtemplatefinder.com;);
[http://nashaucheba.ru](http://nashaucheba.ru;); <http://www.geokniga.org/books/>; <http://www.wermac.org/>;
<https://www.fractracker.org/>; <http://rengm.ru/gnvp/>; <http://geologinfo.ru/>; <http://oilloot.ru/>; <http://disus.ru/>;
<http://docplayer.ru/>; <http://knowledge.allbest.ru/> ва бошқа манбаълар асосида ишлаб чиқилган.

(Россия Федерацияси)), махсулдор қатламни очиш учун махсус иссиқликка чидамли ювувчи суюқликлар ишлаб чиқилган (Жанубий Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон)) ва композицион полимер реагентлари яратилган (Тошкент кимё-технология институти (Ўзбекистон)).

Дунёда турли усулларни қўллаб ювувчи суюқликларни ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қўйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб берилмоқда: маҳаллий хомашё асосида ювувчи суюқликларни тайёрлашни комплекс усулларини ишлаб чиқиш, нефть ва газ кудуқларни бурғилашда турли кимёвий реагентларни қўллаб ювувчи суюқликларни ишлаб чиқиш, ювувчи суюқликларни турғунлаштириш ҳамда уларнинг реологик ва технологик хусусиятларни ошириш учун полимер реагентларни ишлаб чиқиш, йўналтирилган равишда модификация қилиш орқали ювувчи суюқликларнинг технологик параметрларини таъминловчи комплекс усулларни ишлаб чиқилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техникавий адабиётлар бўйича бурғиланган кудуқларни деворини тоғ жинсларидан тозалаш муаммолари мавжуд маълумотларни ўрганиб чиқиш натижасида ювувчи суюқлик оқимининг зарраларни олиб чиқиш қобилиятига оқим режими ва ювувчи суюқликнинг реологик хоссаларининг таъсири тўғрисида ягона фикр йўқлиги аниқланди. Шу сабабли бурғиланган заррачаларни олиб чиқишга реологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш ва кудуқларни ювиш жараёнини тадқиқот қилиш принципиал масалалардан бири ҳисобланади.

Кудуқларни бурғилашда юзага келадиган асоратлар ва кудуқларни бурғиланган тоғ жинсларидан тозалаш масалалари бўйича дунёда бир қатор тадқиқотлар бажарилган. Улардан Акилов Ж., Байдюк Б., Булатов Г.Г., Гукасов П.А., Козодой А.К., Липатов В.И., Маковой Р., Махмудов С.З., Мирзожонзода А.Х., Мительман Б.К., Уоккер Р., Талахадзе М., Федоров В.С., Федоров К.М., Шищенко Р.И., Шац Л., Adams, N.S., Balakotaiyah V., Bazin B., Burnashev V.F., Garey G.F., Golfier F., Hemphill T., Khuzoyorov B.Kh., Lake L.W., Lenonnan R., Nelson R.C., Pope G.A., Pope G.U., Panga M.K., Quintard M., Sehculi M., Wennberg K.E., Welge H.J. ва бошқа тадқиқотчиларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кунда асоратлар интенсивлигини камайтириш имкониятини берадиган, полимер қўшимчалар ҳисобига юқори даражада сувни сақлаб қолиш имкониятига эга бўлган ювувчи суюқликлар қўлланилмоқда. Мамлакатимизнинг жанубида жойлашган нефть ва газ конларининг геологик кесимларида кенг учрайдиган асосий асоратларга тоғ жинсларининг ютувчанлиги, уларнинг ўпирилиши, гилли тоғ жинсларининг оқиши ва бошқаларни киритиш мумкин. Кудуқ тубининг чуқурлашиши давомида қатлам сувлари минералланиши ортиб бориш қонунияти сезилади. Айрим ҳолларда аномал паст қатлам босими зоналарига хос равишда минералланиш пасаяди. Бундай ҳолларда полимерли ювувчи суюқликларни қўллаш анча мураккаблашади. Шунинг учун рапа ҳосил қилувчи асоратларга қарши ва аномал паст қатлам босими шароитларида махсулдор қатламни очишда иссиқлик ва тузга чидамли махсус ювувчи суюқликларни ишлаб чиқиш

зарур. Бу ҳолатда республикамизда ва чет элда қўшимча полимер сифатида сувда эрийдиган акрил полимер кенг қўлланилмоқда.

Йўналтирилган модификация орқали ювувчи суюқликларнинг технологик параметрларини таъминловчи, маҳаллий хом ашё асосида тайёрланадиган самарали ювувчи суюқликларни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш масаласи катта илмий – назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг фундаментал ва илмий-техникавий лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларининг: И-09-22 «Сувда эрувчан янги полимер - реагентини ишлаб чиқариш» (2009-2010 й), ИОТ-2016-8-1 ««Ўзбекнефтгаз» МХК майдонларида нефть ва газ қудуқларини мустаҳкамлаш учун маҳаллий хом ашё асосида полимер тампонаж қоришмасини қўллаш» (2016-2017 й); «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг тематик режасидаги муаммолар ИОТ-2016-8-4 «Маҳсулдор горизонтларни иккиламчи очишда янги таркибдаги сирт фаол моддаларни қўллаш» мавзуларидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кудуқларни бурғилашдаги асоратларга қарши курашишда толали полимер асосида самарали ювувчи суюқликларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мураккаб геологик-технологик шароитда нефть ва газ қудуқларини асоратсиз бурғилашни таъминлайдиган, агрессив муҳитни ҳосил қилишга асосланган, маълум таркиб ва структурали композицион полимер реагентларни қўллаб, турғунлашган ювувчи эритмаларни яратишнинг илмий ва физик-кимёвий асосини белгилаб бериш;

нефть ва газ қудуқларини бурғилашдаги асоратларни бартараф қилиш учун иқтисодий тежамкорлиги ва маҳаллий хом ашёдан олиш имконияти мавжудлиги билан фарқланадиган ювувчи суюқликларнинг самарали таркибини ва тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

гилли фаза билан ўзаро таъсирида полимер реагентлар заррачалари атрофидаги пуфакчалар мажмуини ҳосил қилувчи армиранган структурали ювувчи суюқликларнинг реологик ҳоссалари ва технологик параметрлари ўзгаришининг қонуниятларини ўрнатиш;

ювувчи суюқликларнинг реологик параметрларига боғлиқ ҳолда бурғиланган тоғ жинси заррачаларининг чўкиш тезлиги тенгламасини тузиш ва қудуқда бурғиланган заррачаларининг чўкиш зонаси ва траекториясини аниқлаш;

кудук деворида заррачаларнинг мустаҳкамлиги шароити, бурғилаш қувурларида ва ҳалка қисмида қовушқоқ тарангли ювувчи суюқлик характери тезлиги тенгламасини рақамли усулда ечишга асосланган ҳолда оқим тезлиги профилини аниқлаш;

кувур девори билан уринмали кучланишнинг ўзаро таъсири ва оқим профили тезлигини аниқлаш;

физикавий табиати бўйича ламинар оқимдаги уринмали кучланишдан

жиддий фарқланадиган турбулент оқимда ҳосил бўладиган уринмали кучланишни аниқлаш;

полимер реагентлардан ҳосил бўлган, структураси яхшиланган ювувчи суюқликларнинг техник-эксплуатацион тавсифларини белгилаш;

Устюрт ва Бухоро нефтгазли областлардаги қонларнинг мураккаб геологик шароитларида қудуқларни муваффақиятли бурғилашни амалга оширадиган, янги полимер реагентлар асосида тайёрланадиган ювувчи суюқликларнинг меъёрий-техник асосини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш учун махсус таркибли маҳалий хом ашёдан тайёрланган янги полимер қўшимчалар асосида ювувчи суюқликлар таркиби ва структураси.

Тадқиқотнинг предмети. Маҳалий хомашё асосида олинган янги полимер реагентларни ишлаб чиқиш, уларнинг реологик ва технологик хоссалари, ҳамда уларнинг структураси ва тузилишини ўрнатиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда асоратли шароитда қудуқларни бурғилашда, геологик-геофизик тадқиқотлар ўтказишда кимёвий, рентгенофаза ва ИК-Фурье спектрометрлик, ҳамда мавжуд амалий материалларни таҳлил этиш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нефть ва газ қудуқларини бурғилашдаги асоратларни бартарафлаш учун иқтисодий тежамкорлиги ва маҳалий хомашёдан олиш имконияти мавжудлиги билан фарқланадиган ювувчи суюқликларнинг самарали таркиби ва тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

ювувчи эритмаларнинг реологик параметрларига боғлиқ ҳолда бурғиланган тоғ жинси заррачаларининг чўкиш тезлиги тенгламасини тузиш ва қудуқда бурғиланган заррачаларининг чўкиш зонаси ва траекторияси аниқланган;

мураккаб геологик-технологик шароитда нефть ва газ қудуқларини асоратсиз бурғилашни таъминлайдиган, агрессив муҳитни ҳосил қилишга асосланган, маълум таркиб ва структурали композицион полимер реагентларни қўллаб, турғунлашган ювувчи эритмаларни яратишнинг илмий ва физик-кимёвий асослари аниқланган;

бурғилаш қувурларида ва ҳалқасимон бўшлиқда юқори эластик кўринишда ҳаракатланаётган оқимларнинг критик тезлигида техник-эксплуатацион сифати яхшиланган енгиллашган полимер реагенти асосида ювувчи суюқликларни ҳосил қилувчи структуралари исботланган;

Устюрт ва Бухоро нефт-газ вилоятларидаги қонларнинг мураккаб геологик шароитларида қудуқларни муваффақиятли бурғилашни амалга оширадиган, янги полимер реагентлар асосида тайёрланадиган ювувчи суюқликларнинг меъёрий-техник асоси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

реологик ва технологик хоссаларини яхшилашда енгиллашган полимер реагенти маҳалий хомашё асосида ишлаб чиқилган;

маҳсулдор қатламларни очишда ва қудуқларни узлаштиришда бурғилаш жараёндаги мураккаб қон-геологик шароитларда асоратларни

бартараф этиш учун самарали ювувчи суюқликлар ишлаб чиқилган;

ювувчи суюқликларнинг реологик кўрсаткичларига боғлиқ равишда қазиб чиқарилган тоғ жинси заррачаларининг чўкиш тезлигини аниқлаш учун тенглама таклиф этилди ва қудукда бурғиланган тоғ жинси заррачасининг чўкиш зонаси ва траекторияси аниқланган;

гилли фаза билан армирланган структура ҳосил қилувчи, толали табиий материаллар билан биргаликда ҳаракати, ҳамда полимер реагенти заррачалари атрофида майда кўпиклар сифатида намоён бўладиган ювувчи суюқликларнинг технологик параметрларини ва хоссаларини ўрганишга янгича ёндошиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот асосида олинган натижалар полимер реагентларнинг заррачалари атрофида эримайдиган майда кўпик сифатида кўринадиган, гилли фаза билан бирикмали структура ҳосил қилувчи эритмалар таркибининг табиий материалларнинг толасимон аралашмаси билан ўзаро тўла таъсири тулиқ асослаб берилган. Олинган тажриба натижалари маълумотлар билан таққосланиб, реал амалий иқтисодий натижа билан ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефть ва газ қудукларини асоратсиз бурғилаб, лойихалаштирилган чуқурликгача ўтишини таъминлайдиган ювувчи суюқликларнинг сифатини баҳолашга асосланган, гилли фаза билан ўзаро таъсирида полимер реагентлар заррачалари атрофидаги пуфакчалар мажмуини ҳосил қилувчи армирланган структурали ювувчи суюқликларнинг реологик хоссалари ва технологик параметрлари ўзгаришининг қонуниятлари ўрнатилган ҳамда ювувчи суюқликларнинг солиштирма оғирлигини ўзгариши эътиборга олиниши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асоратлашган шароитларда чуқур қудукларни бурғилашда қўшимча сифатида маҳалий хом ашё асосида олинган полимер реагентларни тавсия этиб, янада самарадор ювувчи суюқликларни ишлаб чиқишдан иборат. Устюрт ва Бухоро нефтгазлилик вилоятларидаги асоратлашган мураккаб геологик шароитларда қудукларни муваффақиятли бурғилаш имконини берадиган янги полимер асосида олинадиган ювувчи суюқликларнинг меърий техник асоси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Нефть ва газ қудукларини бурғилаш жараёнидаги асоратларни бартараф этиш учун самарали ювувчи суюқликларни ишлаб чиқиш натижалари асосида:

янги енгиллашган полимер реагенти асосидаги самарали ювиш суюқлигининг таркиби мураккаблашган шароитда Жанубий Кемачи конидаги №89 ва №154 қудукларни бурғилашга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2017 йил 16 августдаги 16/2-58-сон маълумотномаси). Натижада нефть ва газ қудукларини лойихавий чуқурликкача авария ва асоратларсиз бурғилашни амалга ошириш имконини берган;

сирт фаол моддалар асосидаги полимер реагенти мураккаб шароитда

Гармистон конидаги №21-рақамли қудукни бурғилашга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2017 йил 16 августдаги 16/2-58-сон маълумотномаси). Натижада полимер реагент асосида қудукларни мукамал таъмирлаш ҳамда нефть ва газ қудукларини ўзлаштиришда гилсиз ювувчи суюқликларни тайёрлаш ва кимёвий ишлов бериш имконини берган;

нефть ва газ қудукларни бурғилаш учун енгиллаштирилган ювувчи суюқликларни қўллаш бўйича техник қўлланма ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2017 йил 16 августдаги 16/2-58-сон маълумотномаси). Натижада бурғилаш ишларини амалга ошириш ва қудукларни асоратсиз бурғилашдаги жараёнларни хавфсиз олиб бориш ва экология талабларини таъминлаш имконини берган;

нефть ва газ қудукларини бурғилаш жараёнида бурғилаш эритмаларига стабилизатор ва гидрофобизатор сифатида қўшиладиган гилли ва тампонаж дисперс системаларига ишлов беришга мўлжалланган ОПР реагентини тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартига киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2017 йил 16 августдаги 16/2-58-сон маълумотномаси). Натижада ОПР реагентини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, кенг миқёсда жорий этиш ҳамда нефть ва газ қудукларини бурғилаш муддатларини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 3 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 17 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Қатламларни очишда ва қудукларни ўзлаштиришда қўлланаётган ювувчи суюқликларни ишлаш шароитларини таҳлили»** кўриб чиқилган. Бунда “Узгеобурнефтегаз” АЖ

майдонларида, жумладан Устюрт ва Бухоро-Хива нефтгазли вилоятларда ҳозирги кунда ишлатилаётган ювувчи суюқликлар танкидий таҳлил этилган. Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда қудуқларни бурғиладиган гилли, эмульсияли ва аэрацияланган суюқликлар билан бирга геологик кесимида тузли қатламларни бурғиладиган асоратга сабабчи бўладиган натрий хлорга паст, ўртача ва юқори даражада туйинган гилсиз қоришмалардан фойдаланилмоқда. Қудуқларни куриш сифатини оширишда қудуқни бурғиланган тоғ жинсларидан тозалашда турғунлашган ювувчи суюқликларни ишлаб чиқиш муаммосини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Маълумки бурғиланган тоғ жинслари қудуқдан циркуляция ёрдамидан олиб чиқилади.

Амалиётда 95% бурғиладиган ишлари сувда тайёрланган қоришма билан бажарилади. Бундай суюқликларнинг таркиби сув, гил, кимёвий реагентлардан иборат бўлади. Баъзан бундай қоришмаларга оғирлаштирувчи моддалар ва тоғ жинсидаги йўлларни беркитувчи жинслар ҳам қўшилади. Ювувчи суюқликнинг вазифаси фактига тоғ жинсини заррачаларини олиб чиқишга бўлмай, у қудуқ деворини хўллашнинг, уни ҳарорат, босим, электролитлар таъсирида конфигурациясининг ўзгаришини тўхтатишда ҳам муҳим вазифани бажаради.

Қудуқ деворининг чидамлилигига термогидродинамик кучларнинг таъсирини ўрганиш натижаси кўрсатишича, қудуқда ҳарорат ўзгариши тоғ жинслари мустаҳкамлиги йўқотилишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Бурғиладиган ишларини самарасини оширишда ювувчи суюқлик сифати катта аҳамиятга эга. Температура ва гидродинамик босимнинг қудуқ деворини турғунлигига таъсири текширилганда уни хўллаш сабаби ҳароратнинг тез-тез ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳароратнинг 15-16 цикл ўзгаришидан сўнг тоғ жинси намунасининг мустаҳкамлиги 10% га камаёди. Бунда ҳарорат циклининг ўзгариши 90-100 °С атрофида совуқ суви иссиқ сувнинг дамба-дам хайдалиши орқали эришилади. Тоғ жинслари намунаси термостатда сақланади, кейин совутилиб, унинг мустаҳкамлиги ўрганилади.

Бурғиладиган эритмасининг сифатини яхшилаш учун ишлатилмайдиган реагентлар тури жуда кўп, лекин улар қиммат ва ҳар доим ҳам самара бера олмайди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган реагентлар ҳам асоратларни йўқотишга ёрдам бера олишмаяпти. Муррақаб геологик-техник шароитлар, қўлланаётган пармалаш қоришмаларнинг тури кўплиги, кўп компонентлиги, кўп турликлари янги таркибли ювувчи суюқлик яратишни талаб қилмоқда.

Ювувчи суюқликларга биринчи марта тизимли таҳлил нуқтаи назаридан ва сифат миқдорини баҳолаш орқали кўриб чиқилган; уларнинг нафақат бир қатор функционал, балки экологик хоссаларини ҳам аниқлашнинг янги усуллари тавсия этилган; бундай суюқликлар хоссалари қийматини баҳолашга ёндошишлар умумлаштирилган; самарали ювувчи суюқликлар таркибини ишлаб-чиқишнинг оригинал усули ва дастурий

таъминланиши бажарилган. Олинган натижалар бурғилаш жараёнидаги асоратларни бартарафлашнинг назарий ва амалий тадқиқотлар, замонавий илмий-методик асбоблар ва дастурий таъминот орқали ювувчи суюқликларнинг экологизациялаш ва сифатини оптималлаштириш, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш масалаларини самарали ечимини топишни таъминлайди.

Шундай қилиб, Устюрт ва Бухоро-Хива нефтгазлик вилоятларда бурғилаш технологияси ҳолатини танқидий таҳлил натижасига кўра турғунлашган ювувчи суюқликларни тайёрлаш мураккаб жараёндан иборатлиги аниқланди. Демак, ҳозирги ҳолатдан чиқиш учун самарали ювувчи суюқликларни яратиш, янги полимер реагентларни излаш орқали бажарилиши нефть ва газ саноатини жадал ривожлантиришнинг назарий ва амалий ечимини топиш долзарб масаласи ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи, **«Қудуқларни бурғилаш жараёнида ювувчи суюқликни тоғ жинсига таъсири туфайли юз бераётган хар турли асоратларни тадқиқотлаш»** бобида маҳсулдор қатламларни очишва қудуқни ўзлаштиришда учрайдиган асоратлар тадқиқоти натижалари келтирилган. Ўзбекистондаги нефть ва газ қонлари асосан мезозой ва кайназой даврлари ётқизикларида жойлашган. «Узгеобурнефтегаз» АЖга қарашли қон ва майдонларда қудуқларни бурғилашда турли асоратлар, шу жумладан бурғилаш эритмасини қатламга кетиб қолиши, рапалик зоналар, қудуқ деворини хўллашни, гилли тоғ жинсларининг бўқиши ва шунга ўхшаш ходисалар учраб туради. Булардан энг кўп ва тез-тез учрайдиганлари: бурғилаш эритмасини қатламга кетиб қолиши ва қудуқ девори мустаҳкамлигининг йўқотилишидан иборат. Ютилиш ходисаси ва қудуқ девори мустаҳкамлигини йўқотилишига қарши қурашиш усуллари аниқ шароитда биринчи навбатда қатламнинг хусусияти ва гидродинамик характеристикасига қараб танланади. Бу асоратлар терриген ва карбонат ётқизиклар билан боғлиқ. Бу қатламларда ювувчи суюқликнинг нотўғри танланиши эритманинг қатламга ютилиши ёки нефтгазнинг очик фаввораси ҳосил бўлишига олиб келади.


Шундай қилиб, бурғилашнинг геологик-техник шароитларига мос равишда ювувчи суюқликларни қўллаш, содир бўладиган асоратлар профилактикаси, бурғилаш жараёнини самарали олиб бораолиши ва қиммат баҳо кимёвий реагентлар, материаллар, гил кукуни, оғирлаштиргичларни тежашнинг асосий омили ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ювувчи суюқликларнинг тузилмаси ва компонентларини ўзига хослигини тадқиқ қилиш»**га бағишланган бўлиб, унда полимер реагенти структурасининг оптик, электрон микроскоп ва ИК-спектроскопия тадқиқотлари натижаси келтирилган.

Бунда полиакрилонитрил, целлюлоза ва жун толаси полимерлари аралашмасидан иборат бўлган енгиллашган полимер реагентининг оптик тадқиқотлари ўтказилди (1-расм).

Оптик тадқиқотлар намуналар тузилмасидаги қуйидаги жиҳатларни аниқлашга ёрдам берди. Масалан, 1-расмдаги микрофотографияда йирик

заррали ва шаклсиз қўшимчалардан иборат бўлган тўрсимон тузилма кўриниб турибди. Бу билан бирга эримаган қисқа толалар ҳам мавжуд (1-расм, а).



1-расм – (ОПР) Енгиллашган полимер реагентининг оптик микрофотографияси.

1б - расмда, узунлиги 0,5-1 мм бўлган эримайдиган толали майдонлар ҳам кузатилади.

1в –расмда эса, аниқ чегарага эга бўлган турли ўлчамдаги толали зарралар, шунингдек шаклсиз заррачалардан иборат майдонларни кузатишимиз мумкин.


1г -расмда эрувчан заррачалар, қисқа толалар ва кўп миқдордаги йирик шаклсиз майдонлардан иборат бўлган турлича полимер тузилмаси кузатилади.

Синтетик ва табиий полимер аралашмасидаги эрийдиган ва эримайдиган фракцияларнинг тузилишини аниқлаш учун енгиллашган полимер реагентининг ИК-спектроскопия тадқиқотлари ўтказилди (2-расм, а,б).


Эрийдиган фракцияларнинг ИК-спектроскопия тадқиқот натижалари ютилиш йўллари гидролизланган полиакрилонитрил учун характерли бўлса, эримайдиган фракция спектрлари целлюлоза ва жун толаларига таалукли

бўлган ютилиш йўллари кўрсатади. Масалан, OH^- гуруҳи учун 3440 см^{-1} да ва шунингдек, 3100 см^{-1} , 1410 см^{-1} , 1100 см^{-1} , 980 см^{-1} да характерли бўлган валент тебранишлар кузатилади (2-расм, а,б).

а)



б)



2-расм. ИК-Фурье Nicolet iS50 спектрометрда олинган ҳамда энгиллашган полимер реагентининг эрийдиган ва эримайдиган фракциялари ИК-спектрлари: а – полимер реагентининг эрийдиган фракциялари ИК-спектрлари; б - полимер реагентининг эримайдиган фракциялари ИК-спектрлари.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Полимер реагенти асосида структурали ювувчи суюқликларнинг асосланган жараёнлар қонуниятларини тадқиқот қилиш**” габағишланган.

Юқорида келтирилган тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, тур, тузилманинг таъсири, кимёвий табиати, таркиби, ингредиентларнинг нисбати ва ўзаро таъсирлашиш механизмининг қонуниятларини аниқлаш орқали Ленгмюрнинг адсорбция назариясига асосланган ҳолда минерал ва органик қўшимчалари бўлган композицион кимёвий реагентларни яратишнинг физик-

кимёвий ва технологик асослари бўйича эриган модда адсорбентнинг бутун юзасида адсорбцияланмай, фақатгина фаол марказлардагина адсорбцияланиши аниқланди.

Тузилма ҳосил бўлиш жараёнига нафақат қаттиқ фазанинг таркиби ва концентрацияси, тузилма ҳосил қилувчи бирликларнинг кристаллик панжараси тури, зарраларнинг конфигурацияси, унинг кристалланиши, балки полимер реагентларнинг табиати, уларнинг конформацион ўзгариши, шунингдек фаол марказлар сони, боғлиқ сувлар миқдори ва бошқалар таъсир кўрсатиши аниқланган.

Қоидага кўра, ювувчи суюқликларнинг хусусияти нафақат ҳосил бўлган тузилмавий тизимнинг физик-кимёвий ҳоссасига, балки гилли зарралар ва кимёвий полимер реагентларнинг дисперслик даражасига, дисперс фаза ва чегара юзасининг хусусиятига, реагент молекулаларнинг тузилишига, шунингдек эритмадаги унинг концентрациясига боғлиқ. Гил кристаллари атрофида қовушқоқ, эластик ва механик мустаҳкамликка эга бўлган тузилмалар қатламлар ҳосил бўлади.

Чуқур бурғиланишнинг мураккаб шароитларида ювувчи суюқликнинг кўрсаткичларини бошқаришда эрувчанликнинг ўзгариши, полимер реагенти аралашмасининг туз ва иссиқликка чидамлилиги қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ювувчи суюқликларнинг хусусиятларини бошқариш учун яроқли бўлган полимер моддаларни танлаш ва йўналтирилган синтезда полимер макромолекуласида дипол моментининг йўналиши ва катталиги билан баҳоланувчи поляр функционал гуруҳлар тўпланишини инобатга олиш лозим.


Кўриб чиқиладиган ҳолатда, полимер реагенти қўлланилганда, макромолекулада карбоксил, гидроксил ва бошқа поляр гуруҳларининг тўпланиши мустаҳкам тўрсимон тузилма ҳосил бўлиши учун қулай шароит ҳосил бўлади.

Қудуқларни бурғилаш жараёнида қўлланиладиган, танлаб олинган полимерлар юқори молекуляр органик, юқори гидрофил бирикмалардан иборат бўлиб, асосан сувда эрийди ва қовушқоқ узун макромолекулалардан ташкил топган эритмаларни ҳосил қилади. Функционал гуруҳ табиатини, макромолекула конформацияси ва уларнинг мақсадли йўналтирилган модификациясини ўзгартириш орқали сизилиш кўрсаткичларини бошқариш, бурғиланган гил ва бошқа тоғ жинси заррачаларининг дисперсланишини бартараф этиш, ювувчи суюқликларнинг тузилма-механик ва реологик хусусиятларини бошқариш мақсадида флокуляциялаш имкони туғилади.

Гилли суспензиянинг асосий кўрсаткичларидан бири уларнинг қўлланилишини аниқловчи хусусияти, дисперс зичлиги ва тизимнинг сув ажратиши ҳисобланади. Шу асосда яратилган енгиллашган полимер

реагентининг зичлиги ва шартли қовушқоқлиги тадқиқ қилинди. Қатлам суви асосида тайёрланган ювувчи суюқликнинг сизилиш кинетикаси ва бу жараёнга енгиллашган полимер реагентининг таъсири ўрганилди.

Тадқиқот натижалари 3-расмда келтирилган.




3-расм. Гилли эритманинг ОПР реагенти миқдорига боғлиқ ҳолда шартли қовушқоқликнинг ошиш тезлиги ва камайишига боғлиқлиги.

3-расмдан реагент билан ишлов берилмаган эритманинг зичлик камайишининг бошланғич тезлиги ишлов берилганига нисбатан юқори эканлиги кўриниб турибди. Эритмага 0,5 ва 2,0% миқдорда реагент қўшилганда фильтратнинг бошланғич зичлиги мос равишда 950 дан 700 кг/м³ гача камайган. Бу ходисани сизилиш каналлари юзасида полимерни юпқа қобик сифатида адсорбцияланиши билан тушунтириш мумкин.

ОПР концентрациясининг ортиши натижасида зичлик камаяди ва қовушқоқлик ортади.

Ювувчи суюқликнинг оқувчанлигининг таъсирини тадқиқ қилиш мақсадида тайёрланган эритмага ОПР 0,2-2% гача қўшилди.

Олинган натижалар 4-расмда эритма қовушқоқлигини ОПР реагентини миқдорига боғлиқлиги кўринишида келтирилган.




4-расм. Эритма оқувчанлигининг ОПР миқдорига боғлиқлиги.

Олинган натижалардан эритмадаги ОПР концентрациясининг ортиши полимер реагентининг тузилма ҳосил қилиши натижасида ювувчи

суюқликларнинг қовушқоқлик тавсифларнинг ортишига олиб келишини кўриш мумкин.

5-расмда гилли эритманинг сув ажратиш тезлиги ОПР реagenти миқдорига боғлиқлиги келтирилган.




5-расм. Гилли эритмани сув ажратиш тезлигини ОПР реagenтининг миқдорига боғлиқлиги

5-расмдан кўринишича реagent билан ишлов берилмаган эритма сизилишининг бошланғич тезлиги ишлов берилганига нисбатан юқори. Эритмага 0,5 ва 1 % миқдорда реagent қўшилганда бошланғич сув ажралиши мос равишда 1,7 ва 4 марта камайган. ОПР концентрацияси ортиши билан зичлик пасая боради. Бу жараёни сизилиш каналлари юзасида полимерни юпка қобик сифатида адсорбцияланиши билан тушунтириш мумкин.

Тадқиқот натижасига кўра гилли эритмада ОПР концентрацияси ошиб бориши сизилиш кўрсаткичини жадаллик билан пасайишига олиб келади. ОПР концентрацияси 2 % га ошганда сув ажралиши 3 см³/30 гача пасаяди.

ОПР реagentини натрий ва калий тузларига чидамлилигини аниқлаш мақсадида чучук сувда турли концентрациядаги NaCl ва CaCl₂ тузлари ОПР реagentи билан биргаликда ювувчи суюқликлар тайёрланди. Тадқиқот натижалари 6-расмда келтирилган.




6-расм. NaCl ва CaCl₂ миқдорларига боғлиқ ҳолда эритма сизилишининг ўзгариши.

Келтирилган натижалар реагентининг натрий ва калий тузлари таъсирига чидамлилигини кўрсатди. Эритмага 5% NaCl қўшилганда сув ажралиши 5 дан 9 см³/30 дақ.га, 20% CaCl₂ қўшилганда 11 см³/30 дақ. гача ортди. Бир кунлик тиндириш 2% ни ташкил қилди.

ОПР реагенти концентрациясининг ошишида гилли ювувчи суюқликларнинг сизилишини пасайиши кузатилди.

Юқорида келтирилганларга асосан, ОПР таркибидаги пахта, жун каби эримайдиган толасимон заррачалар ювувчи суюқликларнинг барқарорлигини ошишига сабаб бўлди (7-расм). Эритмада тўрнинг ҳосил бўлиши ҳисобига тузилманинг ўзига ҳослиги, молекуляр массанинг юқорилиги ҳисобига кудук деворларида пленка ҳосил қилади, бу мураккаб геолого-техник шароитларда нефтгаз кудукларини ювишда сув ажралишини пасайишига ва ювувчи суюқликнинг мўътадиллашишини таъминланишига сабаб бўлади.



7-расм. EVOMA 15 электрон микроскопда олинган ОПР толасимон заррачаларининг толали тузилмаси.

Ҳозирги вақтда минераллашган полидисперс суспензияларда тузилма ҳосил бўлиш жараёнини бошқариш муаммоларига катта аҳамият берилмоқда. Дисперс тизимдаги тузилма заррачаларининг қаттиқ фаза билан ўзаро таъсирлашиши натижасида ҳосил бўлади. Кристалл тузилманинг бурчак ва қовурғаларидаги полимер заррачалари, молекуляр кучлар билан осон таъсирлашади ва тўрсимон тузилмани ҳосил қилади.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра ОПР толали тузилмасини ўрганиш қизиқиш уйғотади, чунки у маълум даражада фазалар чегарасида юза таранглигини бошқариш имкинлини беради. Бошқа тарафдан, гил заррачалари юзасида юпқа пленка ҳосил қилиб, уларнинг агломерациясини бартараф этади ва мойлаш функциясини бажаради, бу билан нефть ва газ кудукларини бурғилаш жараёнида бурғи атрофида қобиқ ҳосил бўлишининг олдини олади.

Полимер моддаларнинг мўътадиллаштирувчанлиги хусусияти, асосан,

молекуляр оғирлик, алоҳида атом ва уларнинг гуруҳлари орасидаги мустаҳкамликка боғлиқ. Бундан келиб чиқиб, ювувчи суюқликни тоғ жинси ва флюидлар билан таъсирлашиш жараёнининг илмий асосларини аниқлаш, ювувчи суюқликларни тайёрлашда катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ювувчи суюқликларга қўйиладиган талабларга барча дисперс тизимлардан коллоид тизимлар жавоб беради.

Коллоид тизимларнинг ўзига хос физик-кимёвий хусусияти қаттиқ фаза-дисперс муҳит чегарасида мавжудлиги билан аниқланади. Молекуляр – кинетик назарияга кўра тананинг ички тортишиши молекулаларнинг ўзаро таъсирлашиш кучларига асосланган. Тана ичида, масалан, суюқликда бу кучлар мувозанатлашган: ҳар қайси молекула ўзига ҳудди шундай куч билан қўшни моекулага тортади. Суюқлик-ҳаво чегараси сиртидаги молекулалар мувозанатлашмаган. Натижада ортиқча кучлар суюқлик томонидан молекулар суюқлик ичига тортишишга ҳаракат қилади, шунинг учун бўлим юзаси камайишга ҳаракат қилади.

Яратилган компазицион полимер реагент таркибининг ўзига хослиги қудуқларни бурғилаш жараёнида ювувчи суюқликларнинг турғунлигини таъминлайдиган таркиб ва тузилманинг спецификациясидадир. Сувда яхши эриши, СФМ ҳисобига гидрофоблиги ва юқори мойловчи самара, шунингдек компонентлар орасида молекулаларни ўзаро таъсирлашиши ва толасимон тузилма ушбу тизимга агрессив муҳитга чидамликни беради.

Шундай қилиб, ювувчи суюқлик таркибига янги енгиллашган полимер реагентини қўшиш жараёни молекула ва ионлари бошқа модда молекула ва ионлари билан оддий тақсимланмаган, балки улар физик ва кимёвий боғлангандир.

«Нефть ва газ қудуқларини бурғилашда ювувчи суюқликлар ҳаракатини ўрганиш»га бағишланган бешинчи бобда янги полимер реагентларни яратиш бўйича илмий асосланган технологик ва техник ечимлари, ҳамда “Узгеобурнефтгаз” АЖ га қарашли майдонлардаги Устюрт ва Бухоро-Хива нефт-газли улкаларида уларнинг синовдан ўтказилганлиги натижалари келтирилган.


Қўлланилаётган самарали ювувчи суюқликлар бурғиланган зарраларни муаллақ ҳолатда сақлаб туриши учун энг паст кўзғалиш тезлигида мустаҳкам тузилмага эга бўлиши керак. Кўпгина ҳолларда оқимнинг критик тезлиги ҳалқа бўйлаб ювувчи суюқлик оқимининг турбулент режимига мос келади. Суюқлик ҳаракатланишининг турбулент режимда тезликни тақсимловчи эпюра тўғриланади ва зарраларнинг муаллақ ҳолатда бўлишини таъминлайди.

